



“ 9 ” Октябрь 2020 йил

№ 1418

Яйпан шаҳри

Ўзбекистон тумани Мингтут маҳалла фуқаролар йиғини Хаётобод қишлоғи худудидан “ELIT GRAND QURILISH” маъсулияти чекланган жамиятига янгиланган намунавий лойихалар асосида кўп қаватли уй-жойлар қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5886-сонли Фармони, Фарғона вилоят танлов комиссиясининг 2020-йил 10-июн кунги йиғилиш баёнига ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ер Кодекси”нинг 6,23-моддаларига асосан, шунингдек туман хокимлиги ҳузуридаги Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг далолатномасини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Туман хокимлигининг “Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”нинг туманнинг Мингтут МФЙ Хаётобод қишлоғи худудидан “ELIT GRAND QURILISH” МЧЖга янгиланган намунавий лойихалар асосида уй-жойлар қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон тумани “Мукумий” номли ММТП қарашли Мингтут МФЙ Хаётобод қишлоғи худудида жойлашган қишлоқ хўжалиги харитасининг 380к-контурдаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган, туман хокимининг “ELIT GRAND QURILISH” маъсулияти чекланган жамиятига 2020 йилда 1 дона кўп қаватли уй-жойлар учун 0,06 га, атрофини ободонлаштириш учун 0,08 га жами 0,14 га ер майдони танлансин ва ажратилсин.

3. “ELIT GRAND QURILISH” МЧЖ раҳбари С.Мўйдинов зиммасига ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган объект қурилишини лойихалаш учун Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 27-моддасига биноан вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармасидан архитектура-режалаштириш топшириғи олишлик ва ушбу Кодекснинг 39-моддаларига асосан лойиха-смета ҳужжатлари тайёрлатиш ҳамда вилоят ДАКН инспекцияни объектда қурилиш монтаж ишларини бошланганлиги ҳақида хабардор этиш вазифаси юклатилсин.

4.Объект қурилишини лойиха асосида амалга ошириш ҳамда қурилиш устидан техник назоратни ташкил этиш “ELIT GRAND QURILISH” МЧЖ раҳбари С.Мўйдинов зиммасига юклатилсин.

5.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман хокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммунал хўжалик ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари И.Нажмиддинов зиммасига юклатилсин.

Туман хокими :



— Қ.Джураев.